

## Сийрат дарслари (150-дарс). Тақдир Аллоҳдан



19:00 / 20.08.2021 4759

553. Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: «Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Ҳамзанинг қизига уйланишларини ишташди. Шунда у зот: **«У менга ҳалол бўлмайди, чунки у эмикдош акамнинг қизидир. Қариндошлик туфайли ҳаром бўлганлар эмикдошлик туфайли ҳам ҳаром бўлишади»**, дедилар».

*Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.*

554. Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Бир сўриш ёки икки сўриш ҳаром қилмайди»**, дедилар».

*Муслим ривоят қилган.*

*(Яъни, чақалоқ бегона аёлнинг кўкрагини бир ёки икки марта сўрса, аммо қорнига етгунча эммаса, шаръий эмиш собит бўлмайди. – Тарж.)*

555. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

**«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: «Киши ўз биродари совчилиги устига совчилик қилмайди ва ўз биродарининг савдоси устига савдо қилмайди. Бир аёл аммасининг устига ва холасининг устига никоҳланмайди. Ҳеч бир аёл ўз синглисининг товоғини бўш қолдириб, ўзи никоҳланиб олиш учун унинг талоғини сўрамасин. Албатта, унга ҳам тақдир қилингани бўлур».**

*Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.*

**«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам» китобидан**